**Ушбу сонда:**
2 — *Ёз — ўтмоқда соз* ҚУВНОҚЛАР ДАВРАСИДА
3 — ЯНА ИМТИЁЗЛИ ПЕНСИЯ ХУСУСИДА
4 — СПОРТ — СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 6 август, сешанба № 125 (1342)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## «УМИД» ЖАМҒАРМАСИ ГРАНТЛАРИ СОҲИБЛАРИГА

*Азиз ўғил-қизларим!*

*Аввалабмор, мураккаб ва масъулиятли синовлардан муваффақиятли ўтиб, тараққий топган давлатлардаги энг нуфузли университетларда таҳсил олиш ҳуқуқини қўлга киритган ҳар бирингизни бағримга босиб, сизларга ўзимнинг самимий тилакларимни изҳор этмоқчиман.*

*Озод ва обод Ватанимиз бағрида камолга етиб, ўз ақл-заковати, истеъдодини тўла рўёбга чиқариш иштиёқи билан яшаётган сиздек ёш авлод вакилларини жаҳоннинг обрўли олий ўқув даргоҳларига кузатиш, оқ йўл тилаш менга ҳар сафар катта мамнуният бахш этади.*

*Чунки мен сизларнинг сиймонгизда Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини, ота-оналарингиз, устоз-мураббийларингиз, бутун халқимиз қалбидаги эзгу ва олижаноб интилишларнинг ёрқин ифодасини кўраман.*

*Бугун сизларнинг зиммангизга мана шундай юксак ишончга муносиб бўлиш, жаҳон цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган буюк ватандошларимизнинг ворислари эканингизни амалда исбот этишдек улкан масъулият тушмоқда.*

*Қадим ва табаррук юртимиз тупроғига Хоразмий, Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби улуғ мутафаккир ва алломалар сочиб кетган илму маърифат уруғи бугун сиз каби минглаб ёшларимиз тимсолида янгитдан ҳосил бераётгани ҳар бир юртдошимизга юксак ғурур-ифтихор бахш этади.*

*Ишонаманки, сизлар ҳозирги замоннинг энг илғор ютуқларини пухта эгаллаб, орттирган билим ва тажрибаларингиз билан ўзингиз униб-ўсган, ҳаммамиз учун азиз ва муқаддас бўлган мана шу замин равнақи йўлида сидқидилдан хизмат қилиб, халқимиз, Ватанимиз олдидаги фарзандлик бурчингизни шараф билан адо этасиз.*

*Сизларни хорижнинг энг нуфузли билим даргоҳларида таълим олиш бахтига муяссар бўлганингиз билан яна бир бор қутлар эканман, узоқ ва хайрли сафар олдидан оқ йўл тилайман.*

*Юртимиз муҳаббати, халқимиз меҳри қалбингизни ҳеч қачон тарк этмасин. Эзгу мақсадлар сари ташлаётган қадамингиз қутлуғ бўлсин, Яратганимиз барчангизни ўз паноҳида асрасин.*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ*

## РЕСПУБЛИКАДА КИТОБ САВДОСИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

***Республика аҳолисининг бадиий, ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий адабиётга, мактаблар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари ўқувчилари ва талабаларнинг янги авлод дарсликлар ва ўқув адабиётига бўлган эҳтиёжини қондириш, шунингдек китоб савдоси тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:***

1. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва «Китобсавдо» акциядорлик жамиятларининг очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

«Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компаниясига китоб маҳсулотларини етказиб бериш ва сотишни ташкил этишни мувофиқлаштирувчи функцияси юклансин.

2. Қуйидагилар «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компаниясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

республика китоб бозори конъюнктураси маркетингини амалга ошириш, аҳолининг китобларга ва бошқа босма маҳсулотларга бўлган эҳтиёжлари мониторингини ташкил этиш, уларнинг натижаларини нашриётлар ва истеъмолчиларга етказиш;

китоб маҳсулотларига буюртмаларни шакллантириш, шунингдек дарсликлар ва ўқув адабиётига буюртмаларни шакллантиришда иштирок этиш;

республика ҳудудида китоб дўконлари тармоғини қулай тарзда жойлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

китоблар ва бошқа босма маҳсулотлар жойлардаги истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб берилишини таъминлаш, шунингдек уларни сотишни ташкил этиш;

китоб маҳсулотлари кўргазма-ярмаркалари ташкил этиш, шунингдек халқаро ярмаркаларда қатнашиш.

3. Қуйидагилар:

«Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компаниясининг ташкилий тузилмаси;

ходимларининг чекланган сони 18 нафар бўлган (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компаниясининг ижро этувчи аппарати тузилмаси маъқуллансин.

Белгилансинки, «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компанияси ижро этувчи аппарати харажатлари унинг хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар ҳисобига таъминланади.

4. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компаниясининг устав фонди «Китобсавдо» ҳудудий акциядорлик жамиятларининг акциялари давлат пакетлари, шунингдек «Ўздавкитобсавдотаъминоти» акциядорлик жамияти мол-мулкининг бир қисми ҳисобига шакллантирилади.

5. «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компаниясини ташкил этишга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш учун махсус комиссия ташкил этилсин.

*(Давоми 2-бетда).*

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ*

## ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ БАНКДАН ТАШҚАРИ МУОМАЛАСИНИ ЯНАДА ҚИСҚАРТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

***Пул муомаласини янада такомиллаштириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш, банкдан ташқари муомалани қисқартириш ва солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:***

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари дастури маъқуллансин.

2. Белгилансинки, 2002 йил 5 августдан бошлаб хўжалик юритувчи субъектларнинг нақд пул тушумини инкасса қилишда инкасса гуруҳи таркибига давлат солиқ хизматининг инкасса қилинадиган объектларда текшириш ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслари мажбурий тартибда киритилади.

Давлат солиқ хизмати органлари ва Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаментининг мансабдор шахсларига Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши билан келишган ҳолда улгуржи ва чакана савдода, умумий овқатланиш ва пулли хизматлар кўрсатиш соҳасида савдо ва нақд тушумни топшириш қоидаларига риоя қилинишини режадан ташқари тезкор текширишларни амалга ошириш ҳуқуқи берилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари белгиланган савдо ва нақд тушумни топшириш қоидалари бузилишининг солиқ органлари томонидан аниқланган ҳоллари бўйича чакана савдо ва пулли хизматлар кўрсатиш ҳуқуқини берувчи рухсатномаларнинг амал қилишини тўхтатишгача бўлган қаттиқ чоралар кўрсинлар.

3. 2002 йил 1 сентябрдан бошлаб мулкчилик шаклларидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектларга тижорат банкларидаги ўз ҳисоб рақамларидан нақд маблағларни топширилган нақд тушум доирасида белгиланган тартибда биринчи талаб бўйича олиш ҳуқуқи берилсин.

4. 2002 йил 1 октябрдан бошлаб мулкчилик шаклларидан қатъи назар корхоналар ва ташкилотларда меҳнатга ҳақ тўлашга йўналтириладиган маблағларнинг давлат томонидан тартибга солиниши бекор қилинсин.

Белгилансинки, 2002 йилнинг тўртинчи чорагидан бошлаб мулкчилик шаклларидан қатъи назар юридик шахслар ёлланиб ишловчиларга меҳнатга ҳақ тўлаш сифатида ҳисобланган ва амалда тўланган суммалар ҳамда бошқа даромадлар тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек ушбу даромадлардан солиқ суммалари тўғрисидаги маълумотларни давлат солиқ хизмати органларига ҳар чоракда тақдим этадилар.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки бир ой муддатда алоҳида йирик миқдордаги пул маблағлари муомаласи, шу жумладан нақд пул берилиши бўйича ахборотларни электрон айирбошлаш тизимини ишлаб чиқсин ва жорий этсин.

*(Давоми 2-бетда).*



***Пойтахтимиздаги Банклар уюшмасининг муҳташам биносида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига мувофиқ ташкил этилган Иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармасининг 2002-2003 ўқув йили грантлари совриндорларини қутлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Тадбирда грант соҳиблари, уларнинг ота-оналари, хорижий давлатларнинг юртимиздаги элчилари, олий ўқув юртлари раҳбарлари ва талаба ёшлар иштирок этди.***

***Маросимни Бош вазир ўринбосари, «Умид» жамғармаси бошқаруви раиси Р.Азимов очди.***

## ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТ







Давлатимиз раҳбарининг «Умид» жамғармаси грантлари соҳибларига йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев ўқиб эшиттирди.

Ўтган давр мобайнида «Умид» йўлланмаси билан 785 нафар иқтидорли талаба АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Италия ва Канада сингари ривожланган мамлакатлардаги олий ўқув юртларига бакалаврлик ва магистрлик даражасини олиш учун ўқишга юборилди. Улар иқтисод, ҳуқуқ, информатика, компьютерлаштириш, табиий фанлар, қишлоқ хўжалиги ва бошқа кўплаб йўналишларда билим олмоқда.

Тадбирда юртимиз ёшлари миллатимиз маънавий-маърифий ва маданий салоҳияти, заковати ва ғururини Ватанимиздан олисда ҳам муносиб намоён этаётганини таъкидланди. Зеро, улар жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган, дунё маданияти бешигини тебратган буюк аждодларимизнинг ворисларидир. Ҳозир ушбу йигит-қизларнинг 500 нафардан зиёди ўқишни муваффақиятли тамомлаб, мамлакатимиз вазирлик, идора, ташкилот ва корхоналарида самарали фаолият кўрсатмоқда.

Жамғарманинг 2002-2003 ўқув йили учун танлов синовлари ўтган йилнинг ноябрь ойидан бошланди ва халқаро андозаларга мос йўсинда амалга оширилди. 470 нафар даъвогардан 43 нафари чет эл олий ўқув юртларида магистратура дастури бўйича таълим олиш ҳуқуқига эга бўлди. Уларнинг аксарияти Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан бўлиб, имтиёзли диплом соҳибларидир. Бу эса юртимизнинг энг олис ва чекка ҳудудларида ҳам ёшларимизнинг билим олишга бўлган иштиёқи тобора ортиб бораётганидан далолатдир.

Бу йил «Умид» жамғармасининг ўқув базаси янада кенгайиб, Тошкент шаҳрида Халқаро Вестминстер университети ташкил этилди. Энди «Умид» грантлари совриндорлари бакалаврлик йўналиши бўйича ана шу илм даргоҳида Буюк Британиядаги таълим талаблари асосида таҳсил олади.

Маросимда Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова грант совриндорларига Президентимиз совғалари ва чет эл олий ўқув юртларида таълим олиш ҳуқуқини берувчи сертификатларни топширди.

Тадбирда 2002-2003 ўқув йили грантлари соҳибларининг Ўзбекистон Республикаси Президентига миннатдорлик мактуби қабул қилинди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## «Ишонч» телефонлари хабар беради

***Солиқ тизими идораларида ўрнатилган «Ишонч» телефонлари куну тун жиринглаб туради. Камчиликларга муросасиз фуқароларнинг телефон орқали бераётган хабарлари турли хил ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф этишга кўмаклашмоқда.***

### «САВДО» УЙГА КЎЧИБДИ

Ангрен шаҳар давлат солиқ инспекцияси ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги 154-сонли «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан ўтказган навбатдаги рейдда ўз уйини савдо дўконига айлантириб қўйган фуқаро Заринисо Юсупованинг кирдикорлари фош этилди. У хонадонида ғамлаб қўйган Қозоғистон Республикасида ишлаб чиқарилган, акциз маркасиз 350 шиша «Пшеничная» ароғининг ҳар шишасини 1000 сўмдан сотаётган пайтида қўлга тушди. Бу тадбирда шаҳар прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходимлари ҳам фаол иштирок этдилар.

Тошкентлик Н.Саидова ҳам савдони уйга кўчирган экан. У ўзи истиқомат қилаётган Ҳамза тумани Малькова кўчаси 102-уйга сигареталар ва спиртли ичимликларнинг турли хилидан босиб қўйган экан. Текширув ўтказилган куни ноқонуний 326 шиша спиртли ичимлик ва сон-саноқсиз сигареталар далилий ашё сифатида олинди.

Сирдарё вилояти Оқолтин туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари эса қўшни республикадан мамлакатимиз ҳудудига ноқонуний кириб келаётган «Пшеничная» ароғининг йўлига ғов солдилар. Улар «Тошкент-Термиз» йўли бўйлаб ҳаракатланаётган йўловчи автобусни кўздан кечиришганида юкхонада фуқаро Улуғбек Рўзиевга тегишли Қозоғистон Республикасида ишлаб чиқарилган акциз маркасиз ва ҳужжатсиз 180 шиша «Пшеничная» ароғи борлигини аниқладилар. Ҳозир суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

### ҚОҒОЗДА БОРУ...

Сурхондарё вилояти Музработ туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари «Меҳнат-роҳат» корхонасига қарашли «Иссиқ нон» ишлаб чиқариш цехида солиқ қонунчилигига қандай амал қилинаётганлигини ўрганиш мақсадида қисқа муддатли текширув ўтказиб, ғаройиб манзарага дуч келдилар. Бу ерда сотувчи Тўлқин Тошпўлатов иссиқ нон савдосидан тушган 550 минг сўмдан ортиқ тушумни назорат касса машинасидан ўтказмаган эди.

Шўрчи тумани бўйлаб ўтказилган рейдлар давомида ҳам шундай қонунбузарликлар кўзга ташланди. Жумладан, «Дон маҳсулоти» ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Шарофат» дўконида кўпдан бери назорат касса машиналари ишлатилмас экан. Текширув ўтказилган куни бу ерда назорат касса машинасига кирим қилинмаган 300 минг сўм савдо пули йиғилиб қолган эди. Дўкон мудири Абдувоҳид Ортиқов бу қилмишини нима билан изоҳлашни билмай қолди.

Сариосиё туман давлат солиқ инспекцияси бош инспектори Р.Бердиев тушган маълумотлар асосида Й.Охунбобоев номли ширкат хўжалигида текширув ўтказди. Шу жараёнда хўжаликка қарашли бўрдоқичилик фермаси бош чўпони Жаббор Каримовнинг лоқайдлиги билан катта миқдордаги камомадга йўл қўйилганлиги маълум бўлди. Бу ерда 1,2 миллион сўмлик 96 бош қўй-қўзи ва 52,4 минг сўмлик 1300 килограмм ем-хашак қоғозда бўлса ҳам, лекин амалда йўқ эди.

Жарқўрғон туманидаги А.Навоий номли ширкат хўжалигидан тушган маълумот ҳам солиқ инспекцияси ходимларини ҳушёр торттирди. Хўжаликда истиқомат қилувчи фуқаро Файзулло Матқулов ҳеч қандай рухсатномасиз, қонунга зид равишда ўз молхонасида яширин ёғ цехи ташкил этган экан. Шу маълумот асосида ўтказилган текширув давомида цехдан бир дона мойжувоз аппарати, 1436 килограмм чигит, 6319 килограмм кунжара, 70 килограмм пахта ёғи, турли хил двигателлар ва бошқа жиҳозлар далилий ашё сифатида олинди. Тадбиркорликнинг тақиқланган тури билан шуғулланиб ҳамқишлоқлар саломатлигига зомин бўлиб келган қонунбузар энди қилмишига яраша жавоб беради.

Қўлбола арoқ тайёрлаб ҳамқишлоқларини заҳарлаб келаётган яна бир сохта тадбиркор — Сирдарё тумани «Ҳақиқат» ширкат хўжалигида қўлга тушди. У яширин йўллар билан қўлбола арoқ тайёрлаб сотишни касб қилиб олган экан. Текшириш жараёнида яширин цех соҳибаси Салтанат Сапарова хонадонидан 125 литр спиртли ичимликлар, беҳисоб ёрлиқлар, қопқоқлар, арoқ тайёрлашда фойдаланиладиган турли хил восита ва жиҳозлар далилий ашё сифатида олинди.

### ҚЎШИМЧА ҲИСОБЛАНДИ

Хоразм вилояти корхоналарининг 2000-2001 йиллардаги молиявий хўжалик фаолияти текширувдан ўтказилмоқда. Биринчи бўлиб бу ишга Шовот тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари киришдилар. Улар «Шовотдонмаҳсулотлари» ҳиссадорлик жамияти фаолиятини таҳлил этиб, 22,5 минг сўмлик қўшимча солиқ ва бошқа тўловларни ҳисобладилар.

«Хонқа-Гуруч» масъулияти чекланган жамиятда ўтказилган текширув давомида эса 4,9 миллион сўмлик қўшимча солиқлар ҳисобланди. «Боғот-дон» ҳиссадорлик жамиятида аниқланган қўшимча солиқлар 19,1 миллион сўмликни ташкил этди.

Жойлардаги бундай ҳолат жиддий ташвиш туғдирмоқда. Шу боисдан ҳам солиқ хизмати ходимлари текширувлар кўламини янада кенгайтирмоқдалар. Яқинда Юнусобод туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари «Зарҳал» корхонаси фаолиятини таҳлил этиб чиқдилар. Шу жараёнда корхона 2000 йилда ўзи эгаллаган ер майдонини 2318 квадрат метрга камайтириб кўрсатиб, солиқни 287,3 минг сўмга қасддан камайтириб кўрсатган экан. 2001 йил учун корхона ер солиғи ҳисобини умуман тақдим этмай 954,4 минг сўм солиқ тўлашдан қасддан бўйин товлаганлиги маълум бўлди. Бу йил ҳам ер солиғи ҳисоботи тақдим этилмай 572,6 минг сўм солиқ яширилган. Жами бўлиб корхона томонидан солиқлар ва мажбурий тўловлар 3,1 миллион сўмга пасайтириб кўрсатилган. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

Андижон туманидаги «Давр» ширкат хўжалигидаги молиявий чалкашликлар ҳам солиқ хизмати ходимлари ўтказган текширувдан сўнг маълум бўлди. Хўжаликда 240 минг сўмлик 44 дона мол терисидан камомад бор эди. Ўтган йили 2 миллион 85 минг 625 сўм нақд савдо тушуми ширкат кассасига ва банкга кирим қилинмай бошқа мақсадларга сарфлаб юборилган эди. Ҳозир корхонанинг муддати ўтиб кетган 4,5 миллион сўм кредиторлик қарзи йиғилиб қолган. 2001 йил учун пенсия жамғармасига 26 минг сўм ҳисоботи топширилмаган. Текширувдан сўнг молия-хўжалик фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Навоий вилояти давлат солиқ бошқармаси «Ишонч» телефонига тушган маълумот бўйича «Ёшлик» хусусий фирмасида ўтказилган текшириш ҳам яхши самара берди. Бу ерда солиқ ҳисоботлари бузиб юритилганлиги учун бюджетга 796 минг сўм қўшимча ҳисобланди. Фирма раҳбари Жумапўлат Боймуродовга нисбатан эса 11 минг 835 сўм миқдорда маъмурий жарима қўлланилди.

**Жасур НОСИРОВ,**
**Давлат солиқ қўмитаси Матбуот хизмати бош мутахассиси.**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ*

# РЕСПУБЛИКАДА КИТОБ САВДОСИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-бетда).

Махсус комиссия бир ой муддатда «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компаниясини ташкил этишга доир ташкилий чора-тадбирларни амалга оширсин, таъсис ҳужжатлари ишлаб чиқилишини, устав фонди ва муассисларнинг улушлари миқдорлари белгиланишини, таъсис йиғилиши ўтказилишини ва компания устави белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласин. Амалга оширилган ишлар ҳақида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ҳокимликлари, «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бир ой муддатда шаҳарлар ва туманларда қўшимча равишда очиладиган янги китоб дўконлари жойлаштирилишини белгиласинлар ва уларни китоб маҳсулотларини сақлаш ва сотиш учун ярокли бўлган бинолар билан таъминлаш масалаларини ҳал этсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси китоб дўконлари очиш учун давлат мулки ҳисобланган бинолар тақдим этилган тақдирда, 2002 йил охиригача уларни қайта баҳоласин ва «Китобсавдо» ҳудудий акциядорлик жамиятларининг устав фондларидаги давлат улуши тегишлича кўпайтирилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, вазирликлар ва идоралар 2002/2003 ўқув йили бошлангунга қадар тегишли ўқув юртлари ҳудудларида мазкур ўқув юртининг йўналишига ихтисослаштирилган китоб савдоси шохобчаларини очсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда илгари хусусийлаштирилган китоб дўконлари томонидан савдо ихтисоси сақлаб қолиниши тўғрисида тузилган шартномаларга риоя этилишини хатловдан ўтказсин. Қоида бузилиши аниқланган ҳолларда айбдор шахсларга нисбатан мулкка эгалик ҳуқуқини берувчи давлат далолатномасидан белгиланган тартибда маҳрум қилишгача бўлган қонун ҳужжатларида назарда тутилган чора-тадбирлар қўллансин.

9. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компанияси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда китоб маҳсулотларига буюртмаларни шакллантириш механизмини ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

10. «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компанияси, Республика «Маънавият ва маърифат» кенгаши, Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази республика нашриётлари билан биргаликда бир ой муддатда:

аҳоли, айниқса ёшлар орасида миллий ва жаҳон адабиётининг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш;

бадиий, ижтимоий-сиёсий ва илмий-маърифий адабиётга бўлган талабни мунтазам ўрганиш;

китоб маҳсулотлари мамлакатимиз нашриётлари томонидан чоп этилишини кенгайтириш ҳисобига аҳолининг мавжуд эхтиёжини қондириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар.

«Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компанияси Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда республикада ва чет элда босиб чиқарилаётган бадиий, ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий адабиётлар, шунингдек мактаб ўқув анжомлари ва кўргазмали қўлланмаларнинг ярмарка-кўргазмалари мунтазам ўтказилишини (бир йилда камида бир марта) таъминласин.

11. Белгилансинки, китоб савдоси улгуржи ташкилотлари қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод этилади.

12. «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компанияси Тошкент шаҳар, А.Навоий кўчасидаги 30-уйга жойлаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклиф киритсин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 3 август

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ*

# ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ БАНКДАН ТАШҚАРИ МУОМАЛАСИНИ ЯНАДА ҚИСҚАРТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-бетда).

6. Турғун савдо ва хизматлар кўрсатиш шохобчалари орқали аҳоли билан нақд пул ҳисоб-китобларини амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан корхоналар ва ташкилотлар учун амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган савдо қоидалари бузилганлиги учун жавобгарликнинг қуйидаги чоралари белгилансин:

нақд пул тушуми яширилиши ҳолати аниқланган тақдирда солиқ органининг қарорига кўра яширилган нақд пул тушуми миқдорида белгиланган тартибда жарима ундирилади;

назорат-касса машиналари қўлланилмасдан, кўчирма ёки бундай ҳужжатлар бериш мажбурий бўлган тақдирда квитанцияларнинг кўчирмасисиз, талонлар, чипталар ёки уларга тенглаштирилган бошқа чеклар берилмасдан савдо қилинганда ва хизматлар кўрсатилганда ундирилган сумма давлат бюджетига йўналтирилган ҳолда энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баравари миқдорида жарима ундирилади, жарима жазолари қўлланилгандан кейин бир йил мобайнида такрорий ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда - энг кам ойлик иш ҳақининг 40 баравари миқдорида жарима ундирилади.

7. Белгилансинки, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 мартдаги 125-сон қарори билан белгиланган юридик шахслар (товар ишлаб чиқарувчи корхоналар ва уларни улгуржи етказиб берувчилар) томонидан товарларни улгуржи сотиш тартиби бузилганлиги учун хўжалик юритувчи субъектлардан ушбу фаолиятдан олинган бутун даромад (фойда) ундириб олинади ва айбдор мансабдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилган ҳолда шу миқдорда жарима солинади.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти юридик шахслар ва юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан белгиланган савдо қоидаларига сўзсиз риоя этилиши таъминланиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсинлар, бунда товарларни нақд пулга улгуржи сотишга йўл қўймасликка, назорат-касса машиналари мавжудлигига, нақд пул маблағлари ўз вақтида инкасса қилинишига алоҳида эътибор берилсин. Айбдор шахсларга нисбатан жиноий жазога тортишгача қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарлик чоралари қўллансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари Молия вазирлиги билан биргаликда 2003 йил 1 январдан бошлаб Тошкент шаҳрида тажриба тарзида пластик карточкалардан фойдаланиш йўли билан иш ҳақи тўлашга босқичма-босқич ўтишни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари билан биргаликда 2002 йил 1 октябргача кредит пластик карточкаларни муомалага чиқариш юзасидан комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин.

Тижорат банклари чакана савдо ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар билан биргаликда товарлар ва хизматларга ҳақ тўлаш сифатида пластик дебет карточкалари қабул қилинишини таъминловчи терминаллар тармоғини кенгайтирсин.

11. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг фирма дўконлари очиши чора-тадбирларини кўрсин, улар аҳоли зич жойлашган туманларда, бозорларда ва оммавий савдо қилинадиган бошқа жойларда жойлаштирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан биргаликда банкдан ташқари муомалани чеклаш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг муҳимлиги ва мазмунини, солиқ ҳақидаги қонунлар бузилишига йўл қўйилмаслиги ва солиқ тўлашдан бўйин товлаганлик учун жазонинг муқаррарлигини оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритсинлар.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки, Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

мазкур қарор қоидаларидан келиб чиққан ҳолда тегишли идоравий норматив ҳужжатларни белгиланган тартибда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар;

Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсинлар.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.Муллажонов зиммасига юклансин.

Ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ахборот берилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 5 август




***«Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти бошқарув кенгаши ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида 2002 йил учун тузилган жамоа шартномасида иш берувчи санаторий - профилакторий, соғломлаштириш пунктларини таъмирлаш учун тўланадиган пулларни ўз ҳисобидан харажат қилади ва 1400 та йўлланма учун маблағнинг 4,1 қисмини қоплайди, деб кўрсатилган.***

# ТЎҚИМАЧИЛАР ШИФО МАСКАНИ

Корхона ҳисобида 100 ўринли санаторий-профилакторий ишлаб турибди. Айни чоғда тажрибали ҳаким Шариф Набиев раҳбарлик қилаётган сиҳатгоҳ тўқимачиларнинг ҳақиқий шифо масканига айланган.

Бу ерда нафас олиш аъзолари, юрак-қон томир, маеъда-ичак, асаб, суяк-бўғин, қон касалликлари, аёллар хасталикларини даволаш йўлга қўйилган. Физиотерапия, сув, озекерит, шифобахш ўсимликлари билан даволаш, уқалаш хоналари фаолият кўрсатмоқда.

Олий тоифали терапевт Р.Раҳматова, моҳир ҳамширалар М.Муродова, М.Абдураҳимов, массажчи П.Узоқовлар беморлар хизматига ҳамиша ҳозиру нозир. Қўли гул ошпаз Б.Асадов ва Б.Ҳусеновлар тайёрлаётган таомлар даволанувчиларга манзур бўлаяпти. Фитобарда шифобахш ўсимликлардан махсус дамламалар тайёрланмоқда.

— Йилнинг ўтган ойларида 700 дан ортиқ киши соғломлаштирилди, - дейди бош ҳаким Ш.Набиев, — Йўлланмалар харажатининг 70 фоизи корхона ҳисобидан қопланди.

Жорий йилнинг май ойида 75 миллион сўм маблағ сарфланиб, даволаниш учун ҳамма қулайликлар яратилди. Ҳиссадорлик жамияти томонидан санаторийга 35 миллион 169 минг сўм, хўжалик харажатлари учун 10 миллион сўм ажратилган. Энг муҳими, йўлланма нархи республика бўйича энг арзон — 26141 сўмни ташкил этади. Корхонада ишлаётганлар йўлланманинг 15 фоизини тўлайдилар. Жамоада ишлаб нафақага чиқиб кетганлар, уруш қатнашчилари, биринчи-иккинчи гуруҳ ногиронлари ва Чернобиль фалокати иштирокчилари текин даволанадилар. Бошқа ташкилотлар учун шартнома нархида 20 фоизгача йўлланмалар ажратилади.

— Жамоа шартномасида болалик аёллар ва 16 ёшга тўлмаган ўсмирлар, хотин-қизлар, қарияларнинг имтиёзли даволанишлари учун тегишли бандлар киритилган, -дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Ибодулла Каримов. -Бундан ташқари кам қонли аёллар профилакторийда бепул даволанишади ва дам олиш уйларига юборилади.

Хуллас, Тўқимачилик туманида жойлашган мазкур санаторий-профилакторийда даволанган кишилар тиббий хизмат ва қулайликлардан мамнун бўлишаяпти.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## «ОТОЙЎЛ» ХИЗМАТИДАН ЭЛ МАМНУН

***Мамлакатимиз мустақиллигининг 11 йиллиги арафасида Кўқон шаҳрининг серқатнов йўналишларида «Отойўл» автобуслари юра бошлади.***

Шаҳардаги 10-автокорхона «Асака банки»нинг вилоят бўлими орқали узоқ муддатли қарз ҳисобига «СамКочАвто» қўшма корхонасидан 10 та янги автобус олиб келди. Натижада аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш янада яхшиланди.

Автобуслар шинам ва қулайлиги, кам ёнилғи сарф этиши, ҳар қандай йўл шароитида эркин ҳаракат қилиши боис кўпчиликка манзур бўлмоқда.

- Юртимизда ишлаб чиқарилаётган микроавтобуслар арзон ва камхаржлиги билан ажралиб туради, - дейди корхона раҳбари Б.Мамажонов. - «Отойўл» ва «Дамас» машиналарининг ҳаракати шаҳарнинг 5- ва 8-йўналишидаги қийинчиликларга барҳам берди. Эндиликда шаҳарни атроф туманлар билан боғловчи ҳалқа йўналишларда автобус қатновини йўлга қўймоқчимиз. Бу эса аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш билан бирга корхона иқтисодий салоҳиятини оширади.

**(ЎзА).**

*Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар*

## ЕР-СИРЛАШГАННИКИ

Ер эъзозлаган, қадрига етган кишидан саховатини аямайди. Кекса деҳқон Расул ҳожи Болтабоевнинг бу ҳақда ўз фалсафаси бор. Олис водий қўйнидан Мирзачўлга отланиб мураккаб касб, деҳқончиликни танлади. Шу-шу далада. Фарзандларини ҳам далани севишга, уни ардоқлашга ўргатди. Умрининг эллик йилдан ошиғини пахта, ғалла етиштиришга бағишлади.

Бундан уч-тўрт йиллар муқаддам фарзандларига бош бўлиб қадрдон даласини ўз мулкига айлантириш, ташвишига тушди. «Болтабой ота» номли фермер хўжалигини ташкил этди. Расул ҳожи ерининг сири бор, дейишади ҳамқишлоқлари. Негаки бу даладан мўл ҳосил тўпланмаган йилни ҳеч ким эслай олмайди. Ўтган йили ғалладан режадаги 36 тонна ўрнига 42 тонна, пахтадан 36 ўрнига 42 тонна хирмон кўтарилди.

Самарали меҳнат маҳсули ўлароқ 2,5 тонна ёғ, 10 тонна кунжара, 9 тонна шулха фермер хўжалигида ишловчиларга тақсимлаб берилди.

— Ер деҳқонни ҳеч маҳал алдамайди. Лекин хатони сира кечирганмас, - дейди Расул ҳожи Болтабоев. — Умрим давомида ана шу тамойилга амал қилдим. 8 нафар фарзанд 50 нафардан ошиқ невара-чеваралорни қулоғига ана шу ҳақиқатни сингдиришга интиламан.

Расул ота уста боғбон ҳам. Ҳовлидаги анорзори киши ҳайратини оширмасдан қолмайди. Мисли тераклар билан беллашиш даражасида ўстирилган шифобахш бу неъматдан ҳар йили хонадонга миллионлаб сўм соф фойда келиб туради.

Хулоса қилиб айтганда, Мирзаобод туман «Деҳқонобод» фермер хўжаликлари бирлашмасидаги бу пиру-бадавлат хонадон ҳалол меҳнат туфайли фаровон ҳаёт кечирмоқда.

**Н.ЗИЁЕВ.**

***«Болалар, сафланинг! Бугун табиат қучоғига саёҳатга борамиз, эртага ўтказиладиган кўрик-танловга гербарий йиғиб келамиз», деди оромгоҳ бош етакчиси Матлуба Йўлдошева. Шу куни дам олувчилар 75 хил ўсимлик йиғиб, 12 турдаги кўргазмаси билан гербарийлар кўрик-танловида қатнашдилар.***

*Ёз - ўтмоқда соз*

# ҚУВНОҚЛАР ДАВРАСИДА

Уйчи туманидаги «Зарбдор» ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган хўжаликлараро «Ҳумо» оромгоҳида бу йил меҳнаткашларнинг 960 нафар фарзанди уч босқичда ҳордиқ чиқариши мўлжалланган. Бунинг учун мавсумга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилди. Бу ҳақда оромгоҳ директори Баҳодир Пузалов бизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Биринчи навбатда оромгоҳнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш масаласига аҳамият берилди. Бунда А. Мўминов номли, «Гулистон», Охунбобоев номли ширкат хўжаликлари ва Уйчи пахта тозалаш заводи акциядорлик жамияти жамоаларининг амалий ёрдами катта бўлди. Натижада 4 та икки қаватли бино, ошхона, ёзги кинотеатр сифатли таъмирдан чиқарилди.

Айни чоғда бу ерда 320 нафар бола ҳордиқ чиқаряпти. Дам олувчиларга барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Турли кўнгилочар тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказилиб турилибди.

Айниқса, «Ҳуқуқий билимдон бўлайлик» мавзуидаги мулоқот-учрашув болажонлар қалбида муҳрланиб қолди. Унда туман прокурори Нурмуҳаммад Ражапов, туман халқ таълими бўлими мудири Маъруфжон Йўлдошевлар маъруза қилишди. Шоир Фазлиддин Даврон болаларга аталган янги шеърларидан ўқиб берди. Санъаткорларнинг дилрабо куй ва қўшиқлари барчани рақсга чорлади. «Энг зукко» кўрик-танловида бешинчи қисм тарбияланувчиси Дурдона Дадабоева ўзининг билимдонлигини намойиш этиб, ғолибликни қўлга киритди.

— Мен олти йилдан бери оромгоҳда дам оламан,- дейди 6-мактаб ўқувчиси Севара Абдурахимова. — Оромгоҳ менга ёқади. Турли жойларга саёҳатлар уюштирилди. Ёрқиной Хамидова, Дурдона Раҳмонова каби дўстлар орттирдим.

— 27-мактабда ўқийман,- деб ўзини таништирди Алимардон Умаров. — Футбол жону дилим. Муҳаммад Акбаров, Юнус Бобомирзаев каби тенгдошларим билан бўш пайтимизда устозимиз Мирзоҳид Пўлатов раҳбарлигида футбол билан шуғулланамиз.

Ёзги кинотеатр, душ, спорт майдончаси дам олувчилар ихтиёрида, 8 та тўгарак фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, шахмат-шашка, теннис, бадминтон, футбол, волейбол, баскетбол, гулчилик тўгаракларида машғулотлар қизиқарли ўтади. Дилафруз Иброҳимова, Гулчеҳра Пўлатова, Мирзоҳид Пўлатов сингари тўгарак раҳбарлари ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда. Болалар Дилором Дадабоева, Муҳаммаджон Буваев каби шифокорлар назоратида бўлишади. Ўз навбатида туман, вилоят касаба уюшма қўмита ва кенгаш ходимлари оромгоҳга тез-тез ташриф буюриб туришади. Хусусан, ширкат хўжаликлари касаба уюшма қўмита раисларининг навбатчилиги ташкил қилинган.

Дилноза Шукурова, Мухторжон Йўлдошев, Сожидахон Шамсиддинова, Наргиза Жўрабоева, Маъмура Эрматова каби етакчи ва тарбиячилар дам олувчиларнинг ҳар бир кунини мароқли ва мазмунли ўтишида бутун билим ва маҳоратларини ишга солмоқдалар.

**М. ҚОДИРОВ.**

## ЎЗБЕКИСТОН - УМУМИЙ УЙИМИЗ

Қарши шаҳридаги Темирйўлчилар маданият саройида Ўзбекистон мустақиллигининг 11 йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон - умумий уйимиз» мавзуида дўстлик учрашуви бўлиб ўтди. Унда Қашқадарё вилоятидаги рус, корейс, бошқирд-татар миллий-маданий марказлари, хорижий мамлакатлар билан дўстлик, маданий-маърифий алоқалар бўлими вакиллари иштирок этди.

Учрашувда мустақил диёримизда тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлган юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликда яшаб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ҳаётимизни янада бой ва фаровон қилишга муносиб ҳисса қўшаётгани таъкидланди. Бу, шубҳасиз, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган тинчлик, барқарорлик ва фуқаролараро тотувлик сиёсатининг самарасидир.

Учрашувда шаҳар маданият бўлимининг «Тарона» дастаси ижросидаги куй ва қўшиқлар даврага янада файз киритди.

## ШАРТНОМАЛАР БАЖАРИЛМОҚДА

Чирчиқдаги «Электркимёсаноати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси етарли миқдорда маъданли ўғитлар тайёрлаш ва уларни буюртмачиларга ўз вақтида етказиб беришга жиддий эътибор қаратмоқда.

Жорий йилнинг биринчи ярмида 219 минг 840 тонна аммиакли селитра ишлаб чиқарилди. Бу буюртмадагидан деярли 20 минг тонна кўп.

Шунингдек, халқ хўжалигининг кўпгина тармоқлари катта эҳтиёж сезаётган муҳим маҳсулот турларидан бири - кучсиз азотли кислота ҳам салкам икки баробар кўп ишлаб чиқарилди.

**(ЎзА).**

# ЯНА ИМТИЁЗЛИ ПЕНСИЯ ХУСУСИДА

## Саволларингизга ҳуқуқшунос Гулнора МУРОДОВА жавоб беради

**Савол: Ёшим 55 да, 30 йилдан бери тиббиёт соҳасида турли техник аппаратуралар бўйича мутахассис бўлиб ишлаб келмоқдаман. Имтиёзли пенсияга чиқишим мумкинми?**

**Ўктам Бобожонов, Гурлан тумани.**

**Жавоб:** Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли Қарори билан ёшга доир имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 1-, 2- ва 3-рўйхатлари тасдиқланган.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддаси «л»-бандида шифокорлар ва бошқа тиббий ходимларнинг махсус иш стажи қишлоқ жойида камида 25 йил ва шаҳарларда камида 30 йил бўлган тақдирда эркаклар 55 ёшдан, аёллар 50 ёшдан имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Бу ҳолат юқорида айтиб ўтилган 3-рўйхатнинг VIII қисмида кўрсатилган бўлиб, ушбу рўйхатда Сиз хатингизда келтирган электро-механик, инженер-техник лавозимлари эътиборга олинмаган. Лекин юқоридаги қонуннинг 12-моддаси «б»-бандига мувофиқ меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимлар таркиби ҳам 3-рўйхатнинг XXXIV қисми, яъни умумий касбларнинг 1753-сонида белгиланган бўлиб, унга кўра УКВ, УВЧ, СВЧ — нурланиш аппаратларида тўлиқ иш куни давомида банд бўлган нурланишдан сақланиш учун махсус ҳимоядан мажбурий фойдаланиши зарур бўлган ишчи ва хизматчилар ҳам эркаклар иш стажи камида 25 йил, бундан ярми, яъни 12 йилу 6 ой кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда, аёллар эса иш стажи камида 20 йил бўлиб, бундан камида 10 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Шуни айтиш жоизки, юқоридаги нурланиш аппаратураларида ходимларни ишлатиш учун корхонада шу иш ўринларига махсус аттестация ўтказилиши ҳамда имтиёзли пенсия тайинланиши учун ушбу аттестация комиссиялари томонидан ходим ҳақиқатда ушбу ишда кун давомида банд бўлганлигини ва ушбу иш ходимнинг соғлиғига зарар келтириши мумкинлиги тўғрисида имтиёзли маълумотнома ижтимоий таъминот бўлимига тақдим этилиши керак бўлади. Агар ушбу маълумотнома Сиз ишлаган корхонадан берилмаган бўлса, демак, бажариб келган иш вазифангиз зарарли ҳисобланмайди.

**Савол: Умумий касаллик бўйича II гуруҳ ногирониман. Пенсияга чиққандан кейин ҳам ишни давом эттираяпман.**

**Айтингчи ойлик иш ҳақидан қайси ҳолларда ушлаб қолинади?**

**Холмурод Маҳкамов, Қизириқ тумани**

**Жавоб:** Меҳнат Кодексининг 164-моддасида меҳнат ҳақидан ушлаб қолиш тартиби кўрсатилган. Бунда умумий тартибга кўра, ходимнинг ёзма розилиги билан, розилик бўлмаган тақдирда эса суднинг қарорига асосан меҳнат ҳақидан ушлаб қолиниши мумкин.

Ходимнинг розилигидан қатъий назар, меҳнат ҳақидан қуйидаги ҳолларда ушлаб қолинади:

1) Ўзбекистон Республикасида белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш учун;

2) суднинг қарорлари ва бошқа ижро ҳужжатларини ижро этиш учун;

3) хўжалик эҳтиёжларига, хизмат сафарларига ёки бошқа жойга ишга ўтганлиги муносабати билан иш ҳақи ҳисобига берилган авансни ушлаб қолиш учун берилган ҳамда сарф қилинмай қолган ва ўз вақтида қайтарилмаган авансни ундириб олишда, шунингдек, ҳисоб-китобдаги хатолар натижасида ортиқча тўланган миқдорини қайтариб қолиш учун белгиланган муддат тамом бўлган кундан ёхуд ҳақ тўлаш нотўғри ҳисоблаб чиқарилган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмасдан иш берувчи аванс ёки қарзни ушлаб қолиш ҳақида фармойиш беришга ҳақлидир. Агар бу муддат ўтиб кетган бўлса ёки ходим хўжалик эҳтиёжларига, хизмат сафарларига ёхуд бошқа жойдаги ишга ўтганлиги муносабати билан берилган аванснинг ушлаб қолинишини асоссиз ёки миқдорини нотўғри, деб ҳисобласа, у ҳолда қарз суд орқали ундириб олинади;

4) Ходим иш йили ҳисобидан таътил олиб бўлгандан кейин мазкур йил тугамасдан туриб меҳнат шартномаси бекор қилинганда, таътилнинг ишланмаган даврга тўланган ҳақ ушлаб қолинмайди. МКнинг 89-моддаси тўртинчи қисмига биноан ходим билан меҳнат шартномаси у янги меҳнат шартлари асосида ишлашни давом эттиришни рад этганлиги сабабли бекор қилинганда унга ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси тўланганда, технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхона тугатилган ҳолларда, шунингдек, ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғи тўғри келмаслиги ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолганда, ходим ҳарбий ёки муқобил хизматга чақирилган тақдирда, ходим бажариб турган ишни илгари шу вазифада ишлаб келган ходим ўз ўрнига тикланган тақдирда, ходим ўқишга кирганлиги ёки пенсияга чиққанлиги муносабати билан бекор қилинган ҳолларда таътилнинг ишланмаган кунларига тўланган ҳақ ушлаб қолинмайди;

5) ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарни қоплашда агар етказилган зарарнинг миқдори ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаса ушлаб қолинади;

6) ушбу кодекснинг 181-моддаси биринчи қисми 2-банди, яъни ходимдан меҳнат интизомини бузганлиги учун иш берувчи интизомий жазо чораси сифатида ўртача ойлик иш ҳақининг йигирма фоизидан ёки қирқ фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима ундириши мумкин.

Иш ҳақини ҳар гал тўлаш вақтида ушлаб қолинадиган иш ҳақи миқдори ходимга тегишли бўлган меҳнат ҳақининг эллик фоизидан ортиб кетмаслиги лозим.

Умумий касаллик бўйича II-гуруҳ ногиронлари қонунда белгиланган қуйидаги имтиёзларга эгадирлар:

— даволаш-профилакторий муассасаларида овқатланиш тўловидан озод этиш;

— икки йилда бир маротаба бепул сиҳатгоҳ йўлланмасини олиш;

— тиббий хулосага асосан протезортопедия буюмлари, эшитиш аппаратлари ва ногиронлар аравачасини бепул олиш;

— даромад солиғи тўлашдан озод этилади (энг кам иш ҳақининг 4 баравари миқдорида);

— мол-мулк ва ер солиқларидан озод этилади.

Юқорида санаб ўтилган имтиёзларга кўра Сиз ишлаётган бўлсангиз ойлик иш ҳақи бўйича даромад солиғи тўлашдан энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт бараваригача озод этиласиз.

**Савол: Мен 3-гуруҳ ногирониман. Лекин менга 2 минг сўм атрофида пенсия тайинланган III-гуруҳ ногиронларига пенсия қандай тартибда тайинланади ва қай тарзда тўланади?**

**Мухлиса Шоширова Бекобод туманидаги 32-мактаб ўқитувчиси.**

**Жавоб:** «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасида пенсия олиш ҳуқуқини берадиган иш стажи белгиланган. Стажнинг узлуксизлиги ёшга қараб фарқланади, демак, фуқаро қанча ёш бўлса, иш стажи шунча кам талаб қилинади. Лекин сиз хатингизда ёшингиз тўғрисида маълумот бермагансиз.

Иш жараёнида майиб бўлиб қолганда ёки касб касаллигига чалинганда бериладиган ногиронлик пенсиялари иш стажидан қатъий назар тайинланади.

Умумий касаллик туфайли бериладиган ногиронлик пенсиялари ногиронлик бошланган пайтга қадар иш стажига эга бўлган тақдирда қуйидагича тайинланади:

| Ёши (йил ҳисобида) | Иш стажи |
|---|---|
| 23 ёшгача | 2 |
| 23дан 26 ёшгача | 3 |
| 26дан 31 ёшгача | 5 |
| 31дан 36 ёшгача | 7 |
| 36дан 41 ёшгача | 9 |
| 41дан 46 ёшгача | 11 |
| 46дан 51 ёшгача | 14 |
| 51дан 56 ёшгача | 17 |
| 56 ёш ва ундан ошганда | 20 |

Пенсиянинг миқдори эса юқорида кўрсатилиб ўтилган иш стажининг муддатига боғлиқ бўлиб, у пенсиянинг таянч миқдоридан, иш стажи учун пенсиянинг оширилиши ҳамда пенсияга қўшиладиган устама ҳақлардан иборат бўлади.

Пенсиянинг таянч миқдори III-гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсияси пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг (ўртача ойлик иш ҳақини аниқлаш тартиби тўғрисида ушбу газетанинг 2002 йил 1 март сонида тушунтириш берилган) 30 фоизи, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг камида 50 фоизи миқдорида белгиланади.

Пенсиянинг иш стажи учун III-гуруҳ ногиронларига тўлиқ пенсия тайинлашда талаб этиладиганидан ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йилига пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 0,5 фоизи миқдорида оширилади.

Қонунда умумий касаллик туфайли III-гуруҳ ногиронларининг пенсияларига устама ҳақлар берилиши назарда тутилмаган.

Ишлаб турган III-гуруҳ ногиронларига пенсия иш жойидан тайинланган пенсиянинг 50 фоизи миқдорида тўланади.

## БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ




Касби туманидаги Фотих Мусин номли оромгоҳда турли йўналишларда фаолият кўрсатилмоқда. Айниқса, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман кенгаши қатор хайрли тадбирларни амалга оширди. Хусусан, яқинда мазкур ташкилотнинг туман бўлими раиси Муҳаммаджон Ашуров мактабларда таълим олаётган иқтидорли ўқувчилар билан оромгоҳда дам олаётган ёшлар учрашувини ўтказишди. Учрашув тўпланганларда катта таассурот қолдирди.



**Суратда: болакайлар билан ҳуқуқий мавзуда мулоқот ўтказилмоқда.**

**Шавкат СУЛТОН олган сурат.**

*Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури - амалда*

# ИСТИҚБОЛГА ИШОНЧ БИЛАН БОҚАМИЗ

Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури баркамол авлодни шакллантиришда муҳим ҳаётий дастуриламалдир. Ўша тарихий дастур қабул қилингандан буён ўтган қисқа давр ичида вилоятимизда ўнлаб академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ташкил этилди. Уларга республика бюджетидан 18 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Касб-ҳунар коллежлари саноат, қурилиш, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, шунингдек, тиббиёт, педагогика, компьютер технологияси, хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича ҳозирги замон талаблари даражасидаги малакали ишчи-хизматчилар, мутахассислар тайёрлаяпти. Умуман, академик лицейларимизда 697, касб-ҳунар коллежларимизда 10827 нафар ўғил-қиз янги таълим стандартларига мос ўқув дастурлари асосида билим олмоқда.

Биз истиқболга катта умид ва ишонч билан қараймиз. Зеро, шунга монанд имконият ва асосларга эгамиз. Шу ўринда бир мисол. 2009 йилга қадар вилоятимизда яна 8 та академик лицей ва 134 та касб-ҳунар коллежи қурилади, мавжудлари таъмирдан чиқарилади. Бу улкан вазифа амалга оширилса, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида 160 мингдан зиёд ўғил-қизларимизга билим бериш имконига эга бўламиз.

Ҳисоб-китобларга кўра, умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини ўз тизимимизга тўлиқ қамраб олганимиздан сўнг малакали педагог кадрларга бўлган талаб 10 минг кишига етади. Бунинг учун умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ўқув муассасалари, олий ўқув юртлари, касб-ҳунар таълими ва ишлаб чиқариш корхоналарининг педагог ва муҳандис-педагог ходимларини соҳамизга жалб этишимиз зарур. Бу вазифа қатор тадбирларни амалга оширишни талаб қилади. Биринчи галда, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими ўқув муассасаларида, умумтаълим мактабларида ишлаб турган ходимларнинг малакасини ошириш, қайта тайёрловлардан ўтказиш зарур. Шу мақсадда ҳозир Тошкент, Бухоро ва Қарши шаҳарларидаги олийгоҳлар қошида ташкил этилган малака ошириш марказларида ҳозиргача 150 нафар киши билимларини бойитдилар.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари Республика ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан тасдиқланган ўқув режа дастурлари билан таъминланди. Улар асосида Қарши қурилиш касб-ҳунар коллежида она тили ва информатика, Қамаши педагогика ва қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежларида математика, тарих, Қарши саноат ва Яккабоғ касб-ҳунар коллежларида махсус фанлар бўйича синов майдончалари ташкил қилинди, уларга тажрибали ўқитувчилар жалб қилинди. Олиб борилган ишларнинг якуни бўйича ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандарти тасдиқланди. Ҳозир мазкур тажриба-синов майдончаларида тармоқ стандартларини ишлаб чиқиш бўйича иш олиб борилмоқда. Бу борада «Муборакгаз», «Шўртангаз» газ конлари бошқармаси мутахассислари билан ҳамкорликдаги ишлар ижобий натижаларни бермоқда.

Яна бир хайрли ташаббус шуки, ўқув-услубий ишларни талаб даражасида йўлга қўйиш мақсадида бошқарма қошида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан услубий марказ ташкил қилинди.

Ўқувчи-талабаларда ҳууқий онг ва ҳууқий маданиятни шакллантириш — муҳим вазифа. Шу мақсадда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан қонуншуносликка оид турли мавзуларда учрашувлар, савол-жавоб кечалари ўтказиляпти. Гуруҳлараро ва ўқув юртлариаро «Сиз қонунни биласизми?», «Сиз тарихни биласизми?» мавзуларида кўрик-танловлар уюштирилмоқда. Бюджетдан ташқари ишлаб топилган маблағлар 2001 йилда 220 миллион сўмни ташкил қилди. Ушбу маблағ ҳисобидан ўқув моддий-техника базасини кучайтиришга 20 миллион, ўқитувчи ва муҳандис-муаллимларни ижтимоий ҳимоя қилишга 3 миллион 561 минг сўм сарфланди. Шу кунларда ўқув муассасаларида турли ишлаб чиқариш шохобчалари ва ўқув устахоналари ишлаб турибди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини рўёбга чиқариш босқичларида халқаро ҳамкорлик қўл келмоқда. Ўқитувчилардан 39 нафари АҚШ, Олмония, Нидерландия, Канада, Франция, Япония ва Жанубий Кореяда бўлиб, тажриба алмашиб қайтишди.

Вилоятдаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига смета нархига кирмаган республика бюджетидан 283 миллион, маҳаллий бюджетдан 147 миллион, Жанубий Корея Республикаси кредити ҳисобидан 220 миллион сўмлик, жами 680 миллион сўмлик ўқув-лаборатория, фан кабинетларининг асбоб-ускуна ва кўргазмали қуроллари ҳамда техника воситалари олинди. Жумладан, ҳозирга қадар компьютер синфлари учун 34 йиғма, лингафон синфлари учун 17 йиғма, ўқув кабинетлари учун 35 дона шахсий компьютерлари ва 70 дан зиёд кадаскоплар олиб келинди. Бундан ташқари, «Осиё тараққиёт банки» ҳамда Япониянинг ЖБИС СПРОФ фирмаси томонидан ажратилган кредитлар ҳисобидан ўқув масканларимиз техник воситалар билан жиҳозланмоқда.

Хуллас, эзгу мақсадлар, юксак талаблар даражасида фаолият олиб бораяпмиз. Зеро, ҳали амалга ошириладиган ишларимиз бисёр. Махсус фанлар бўйича ўқув адабиётлари, илмий салоҳиятли ўқитувчиларнинг етишмаслиги айрим муаммоларни туғдирмоқда. Бундан ташқари, ишчи мутахассисларни тайёрлаш учун ўқув амалиёти даврида хом ашёларнинг етарли миқдорда ажратилмаслиги ҳам битирувчиларни юқори малакали ишчи ходимлар қилиб тайёрлашда тўсиқ бўлмоқда.

**Н.ТУРСУНОВ,**
**Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи муовини.**

## МАКТАБ МАНЗИЛИ ЎЗГАРАДИ

***Гулистондаги чет тилларни чуқур ўзлаштиришга йўналтирилган мактаб-интернат 1-қурилиш-пайвандлаш бошқармаси бунёдкорлари томонидан қайта таъмирланаётган боғча биносига кўчиб ўтади.***

1-қурилиш-пайвандлаш бошқармаси ишлаб-чиқариш-техник бўлимининг “Туркистон-пресс” мухбирига берган маълумотига кўра, боғчада 100 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилади. Собиқ болалар боғчасининг биринчи қаватида лингафон ва компьютер кабинетлари, ўқитувчилар хонаси, кутубхона, ўқув хоналари жой олади. Ўқув хоналарининг маълум қисми иккинчи қаватда ҳам жойлашади. Шунингдек, қўшимча равишда юз ўқувчига мўлжалланган ётоқхона, дам олиш хонаси ва бошқа хоналар ҳам қурилиши мўлжалланган. Бино 320 ўқувчига мўлжалланган ва янги ўқув йилига фойдаланишга топширилади.

## ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИ

***Ёз мавсумида Сирдарё вилояти шаҳар ва туманларида меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармасининг бўлимлари томонидан бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказиш одат тусига кирган.***

Боёвут туманида ўтказилган ана шундай ярмаркада мулкчиликнинг турли шаклидаги ўттиздан ортиқ корхона ва ташкилотлар иштирок этди. Ярмаркада 130 нафар ишсиз қатнашди. Улардан 61 нафари мутахассислигига кўра иш билан таъминланди, 35 нафари малакасини ошириш учун ўқишга юборилди. 20 киши эса ҳақ тўланувчи жамоат ишларига жалб этилди.

**«Туркистон-пресс»**

## МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИГА ЯНГИ ТЕННИС КОРТИ

Мирзачўл туманидаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида бюджетдан ташқари 2 миллион сўм маблағ ишлаб топилди. Тажриба хўжалигида пахта, бошоқли дон экинлари ишлаб-чиқаришдан келган бу маблағ коллежни таъмирлаш, иситиш системасини ишга тушириш, техникаларга эҳтиёт қисмлар сотиб олишга сарфланди.

185 нафар ўқувчи тахсил олаётган бу коллежда янги ўқув йилидан бошлаб талабалар сони 225 нафарга етказилади. Уларга туманда асосий йўналиш бўлган фермерлик ва ўсимликшунослик бўйича ҳам сабоқ берила бошланди. Коллежда лингафон хоналари сони 3 тага етказилди. Улардан бири замон талаблари даражасида компьютер, телевизор, видеомагнитафон ва 13 та кассета қўйишга мослашган парталар билан жиҳозланди. Ҳозир бу ерда ёшлар талабига кўра инглиз тилини ўрганиш бўйича пулли курс очилган. Бокс, каратэ спорт турлари бўйича очилган пулли курслар ҳам туман ёшларининг энг севимли машғулотига айланган. Ўқувчилар учун ётоқхона ташкил этилган. Бюджетдан ташқари ишлаб топилган маблағ ҳисобига ошхона таомлар баҳоси 200 сўмдан ошмаслиги қатъий белгиланган, 16 нафар кам даромадли оила фарзандларига бепул кийим-кечак олиб берилди. 4 ўқувчининг оромгоҳларда бепул дам олиши таъминланди. Мустақиллик байрами арафасида бу ерда янги теннис корти иш бошлайди.

**Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» мухбири.**

# САЙЁРАМИЗ САДОСИ

## ТАДБИРКОР АЁЛЛАР КОНГРЕССИ

Тадбиркор аёллар халқаро ассосиацияси ўзининг 50-юбилей конгрессини сентябр ойида Санкт-Петербург шаҳрида ўтказажаклигини эълон қилди. Анжуманда Франция, Италия, АҚШ, Япония, Олмония, Буюк Британия каби 55 мамлакатдан 800 нафардан зиёд вакилалар иштирок этадилар.

## ТОВУШДАН ЕТТИ МАРТА ТЕЗ

Жанубий Австралия чўлларида товушдан етти марта тез учадиган мутлақо янги машина синаб кўрилди. Унинг ташкилотчилари — Куинсленд университети олимларининг гапларига қараганда, «Скремжет» деб ном олган ушбу ҳаво кемаси самолётсозликда инқилоб ясаши мумкин.

## ОТА ИЗИДАН

Лондонда чоп этиладиган араб газетаси «Аш-шарқ ал-Аусат» шов-шувга сабаб бўлган хабар тарқатди. Маълум бўлишича, машъум «Ал-Қоида» террорчилик ташкилотига эндиликда Усама бин Лоденнинг ўғли Саад бошчилик қилмоқда экан. Саад 22 ёшда бўлиб, Усаманинг иккинчи ўғлидир. У авваллари «Ал-Қоида»ни молиявий ва транспорт воситалари билан таъминлаш ишларига мутасадди бўлган. 11 сентябр террорчилик ҳаракатларини режалаштирган Холид Шайх Муҳаммад Саадни ўзига энг яқин киши деб ҳисоблаган. Бироқ, қатор оммавий ахборот воситалари, хусусан, «Франс пресс» ахборот агентлиги асли мисрлик, Усама бин Лоденнинг «ўнг қўли» — Аймон аз-Заваҳирий Саадни тез орада «жойи»га тушириб қўйиши мумкин, деган фикрни билдирмоқдалар.

## ТЎҚНАШУВЛАР АВЖИГА ЧИҚМОҚДА

Кейинги пайтларда Чеченистон жангарилари билан Россия федерал кучлари ўртасидаги қуролли тўқнашувлар тобора авжига чиқмоқда. Жумладан, ўтган ҳафтада Грозний шаҳри яқинида Россия ички ишлар бошқармасининг номаҳкама идораси аскарлари тушган машинага дафъатан ҳужум уюштирилди. Ўша куни тунда эса Ачхай-Мартан тумани кўчаларида чинакам жанглар давом этди. Итум Қалъа тоғли ҳудудидаги отишмаларда Россиянинг 7 нафар аскари нобуд бўлди.

## ПОЕЗД ИЗИДАН ЧИҚИБ КЕТДИ

Американинг Чикаго шаҳридан Вашингтон сари бораётган йўловчи поезд Мериленд штатида изидан чиқиб кетди. Оқибатда 11 та вагон ағдарилиб, жиддий шикастланди. Ҳалок бўлганлар ҳақида малумотлар йўқ. 90 киши эса турли даражада жароҳатланди. Мутахассислар ҳалокатга бу ерда ҳамиша юқори даражада сақланиб турадиган иссиқлик оқимлари сабаб бўлган, деб ҳисобламоқдалар.

## АСТЕРОИД ЕРГА УРИЛМАЙДИ

Коинотда Ер курраси томон учиб келаётган диаметри 2 километрлик йирик астероид башарият ҳаётига хавф солиши мумкин, деб гумон қилинган эди. АҚШнинг Калифорния штати Пасадин шаҳридаги реактив ҳаракат лабораторияси мутахассислари яқинда хушхабар тарқатдилар. Уларнинг айтишича, «2002NT7» астероиди 2019 йилнинг 1 февралида ерга келиб урилмайди. Сўнгги ҳисоб-китоблар ҳалокатга сабаб бўлувчи тўқнашувни мутлақо истисно этди.

## ЧОНСОЛИ ҚЎЛГА ТУШДИ

Винченцо Франческо Чонсоли ҳозирги пайтда дунёда энг хавфли шахслардан бири деб ҳисобланар эди. У халқаро Интерпол ташкилоти томонидан изланмоқда эди. Ҳар қанча ҳийла-найранг ишлатмасин мафиозлар бошлиғи қўлга тушди. У Бразилиянинг Сан-Пауло шаҳрида ҳибсга олинди. Винченцо одам ўғирлаш, қотиллик, ноқонуний қурол савдоси билан шуғулланиш каби оғир жиноятларда айбланмоқда. Чонсолининг яқинда Италияга келтирилиши ва унинг устидан суд ўтказилиши кутилмоқда.

«Универсиада-2004»:
# ТАЙЁРГАРЛИК БОШЛАБ ЮБОРИЛДИ

***Бухорода бўлиб ўтган «Универсиада-2002» байроғининг рўйи замин сайқали ҳисобланган Самарқандга топширилиши вилоятда катта тайёргарлик ишларининг бошланиб кетишига туртки бўлди. Олий ўқув юртлари талабаларининг 2004 йилда ўтказиладиган спорт ўйинларига ҳозирлик эстафета таёқчаси олинган кунданоқ бошланиб кетди. Кичик олимпиада номини олган бу муҳим тадбирни ўтказиш қўмитаси тузилиб, бажарилиши лозим бўлган ишлар дастури тузиб чиқилди.***

Бўлажак мусобақалар уюштириладиган базалар аниқланиб, кенг кўламдаги таъмирлаш, қурилиш-ободончилик юмушлари умумрежага киритилди. Унга кўра шаҳардаги Самарқанд Давлат университети, савдо, чет тиллар, қурилиш ва меъморчилик, тиббиёт ва қишлоқ хўжалиги институтларининг спорт заллари қайтадан таъмирланади. Мавжуд 15 дан ортиқ ўрта махсус ўқув юртлари ва коллежларнинг спорт иншоотлари ҳамда ётоқхоналар тўлиқ жиҳозланади.

Шаҳардаги 25 минг томошабинга мўлжалланган «Динамо» стадиони кенгайтирилиб, ўринлар сони 50 мингтага етказилади. «Локомотив», кимё заводи, умумқўшин олий ўқув юртлари, Жомбой, Булунғур, Самарқанд туманлари, вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг спорт иншоотлари ҳам мусобақалар бошланадиган кунгача шай ҳолга келтирилади.

Айни пайтда бўйи 50х21, эни 25х12,5 метрлик «Дельфин» ёпиқ сузиш ҳавзаси қурилиши жадаллик билан олиб борилмоқда. Бундан ташқари, Олимпия заҳиралари спорт коллежи учун қурилаётган бир йўла бир неча турдаги мусобақалар ўтказишга мўлжалланган янги мажмуада бунёдкорлик ишлари кучайтирилмоқда.

«Сўғдиёна» массивидаги «Самарқандмевахумсаноатхолдинг» компанияси спорт иншооти ўзгача чирой касб этади. Чет тиллар институти учун мўлжалланган спорт мажмуаси қурилиши жадаллаштирилади.

Вилоятда соғлом авлод камолотига катта эътибор берилаяпти. Хусусан, шахмат бўйича жаҳон чемпиони Иброҳим Ҳамроқулов, Ирода Ҳамроқулова, стол тенниси бўйича спорт устаси, Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Руслан Шушеров, оғир атлетикадан ёшлар орасида икки карра Осиё чемпиони, республика терма жамоаси аъзоси Ботир Усмонов, волейболдан олти карра республика мусобақалари ғолиби «Самарқандтелеком» жамоаси, халқаро мусобақалар совриндорлари Михаил Соколов, Ўткир Солонов, самбо кураши бўйича жаҳон чемпиони Шавкат Жўраевлар қадимий воҳанинг спорт довруғини оламга танитганлар.

Универсиадага тайёрланиш жараёнида шанбаликлар, хайрия марафонлари уюштирилиб, тушган маблағ жисмоний тарбия ва спортнинг моддий базасини мустаҳкамлашга сарфланади.

**ЁЛҚИН.**





Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

Ёзнинг жазирама иссиқ кунлари мириқиб чўмилганга нима етсин. Самарқанднинг Боғишамол тумани мутасаддилари бу йилги чиллани ўзига хос нишонладилар. Бу ерда «Афсона» сузиш ҳавзаси қайта таъмирланиб, мухлисларга ҳадя этилди. Айни кунларда ҳам бу маскан болалар билан гавжум. Ташкил этилган сузиш бўйича тўгарак фаолиятидан ҳамма мамнун. Унда болалар сузишни ўрганадилар, саломатликка саломатлик қўшадилар. Ҳозир тўгаракда 200 нафар болакайлар шуғулланмоқда.

**Суратларда: «Афсона» сузиш ҳавзаси фаолиятидан лавҳалар.**





# СПОРТ — СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

# «САМАРҚАНД-ДИНАМО»

## Энди йўл биринчи лигагами?

*Футбол*

Иккинчи даврани, минг афсуски, кутилганидек самарқандлик футболчилар жуда бўш бошлашди. Биз бежизга «кутилганидек» деган сўзни ирод қилмадик. Клуб тушиб қолган молиявий таназзул охир-оқибат анчайин бардошли мутахассислар тоифасига кирувчи Ҳаким Фузайловни ҳам қуюшқондан чиқариб юборгач, яъни этак силтаб кетишга мажбур этгандан сўнг, бош мураббий ортидан бир қанча етакчи футболчилар ҳам жамоани тарк этишди.

«Қани, бу ёғи қандай бўларкин?» дея азбаройи қизиқиш туфайлигина стадионга ташриф буюрган мухлислари кўз ўнгида чокчокидан сўкилган жамоа Наманганнинг «Навбаҳор» командасига ҳар жиҳатдан мағлубиятга учради. Буни ҳисоб ҳам тасдиқлаб турибди - 0:5.

Ҳар ҳолда бундан бир неча йил муқаддам ҳатто чемпионлик учун кураш олиб борган нуфузли бир жамоанинг шу аҳволга тушиб қолиши ғоят ачинарлидир. Шундай пайтда клуб тақдири учун масъул бўлган шахслар нега сукут сақлашаётгани қизиқ. Ахир, шу кетишда келгуси йилдан «Самарқанд-Динамо» деган жамоани олий лигада кўриш ҳам амри маҳолга ўхшаб қоляпти-ку! Бугун ўн бешинчи ўринни эгаллаб турган «Машъал»да 14 та очко бор. Бу «Самарқанд-Динамо» тўплаган очколар сонидан еттита кам. Тўп думалоқ, майдон текис, дейдилар. Ким билади, яна бир неча турдан сўнг ушбу икки команда ўз ўринларини алмашсалар-чи?

Мамлакат ёшлар термасини бир йилдан бери бошқариб келаётган тажрибали мураббий Виктор Борисов Муборакка ўтиб ишлай бошлагандан буён қисқа фурсат ичида «Машъал»нинг ўйинида анча ижобий ўзгариш юз берди. Гап қўлга киритилган ғалабалар ва жамғарилган очколарда ҳам эмас. Муҳими, жамоа ўйинида ўзига хослик пайдо бўлди, ҳужум ва ҳимоя чизиғи мустаҳкамланди, ярим ҳимоя учрашув жиловини қўлга олиш учун ҳаракат қилаётгани эса айниқса, таҳсинга сазовордир. Буни Тошкентда «Трактор» билан бўлган баҳс ҳам тасдиқлаши мумкин. Гарчанд Борисов шогирдлари ушбу беллашувда мағлубиятга учраган бўлсалар-да (ҳисоб - 2:4), томошабинларда яхши таассурот қолдирдилар.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Пахтакор» - «Дўстлик» - 3:0, «Бухоро» - «Андижон» - 3:2, «Сўғдиёна» - «Металлург» - 0:2, «Зарафшон» - «Қизилқум» - 0:2, «Қўқон-1912» - «Нефтчи» - 0:4, «Насаф» - «Сурхон» - 5:0.

**16 - ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ**

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **1. «Пахтакор»** | **16** | **14** | **1** | **1** | **53-9** | **43** |
| **2. «Қизилқум»** | **16** | **12** | **1** | **3** | **39-16** | **37** |
| **3. «Насаф»** | **16** | **10** | **2** | **4** | **35-16** | **32** |
| 4. «Нефтчи» | 16 | 10 | 2 | 4 | 34-16 | 32 |
| 5. «Бухоро» | 16 | 8 | 2 | 6 | 25-33 | 26 |
| 6. «Навбаҳор» | 16 | 7 | 2 | 7 | 28-26 | 23 |
| 7. «Металлург» | 16 | 6 | 5 | 5 | 20-21 | 23 |
| 8. «Дўстлик» | 16 | 7 | 1 | 8 | 20-27 | 22 |
| 9. «Самарқанд-Д» | 16 | 6 | 3 | 7 | 16-25 | 21 |
| 10. «Трактор» | 16 | 5 | 4 | 7 | 21-26 | 19 |
| 11. «Қўқон-1912» | 16 | 5 | 2 | 9 | 18-31 | 17 |
| 12. «Сўғдиёна» | 16 | 4 | 4 | 8 | 16-23 | 16 |
| 13. «Андижон» | 16 | 4 | 3 | 9 | 19-30 | 15 |
| 14. «Зарафшон» | 16 | 4 | 2 | 10 | 15-28 | 14 |
| **15. «Машъал»** | **16** | **4** | **2** | **10** | **18-33** | **14** |
| **16. «Сурхон»** | **16** | **3** | **2** | **11** | **13-34** | **11** |

*Бўлғуси чемпионларимиз*

# РАҲИМАНИНГ ОРЗУСИ

***Мана-ман деган полвон йигитларнинг елкасини ерга теккизган шербилак момоларимиз ҳақида кўп ўқиганмиз, эшитганмиз. Не бахтки, мустақиллик йилларида кўплаб маҳорат соҳиблари етишиб чиқмоқда. Касаба уюшмалари тизимида фаолият кўрсатаётган спорт мактабларидан бирида бўлганимизда, БЎСМ раҳбари Ғулом ака Тўқсонбоев кураги ер кўрмаган гулистонлик полвон қиз ҳақида фахрланиб сўзлади.***

...Раҳиманинг эркин курашга бўлган қизиқиши аввалига оиласидагиларга унчалик хуш келмади. Ахир, қиз боланинг полвон бўлиши камдан-кам учрайдиган ҳолат-да. Бироқ, бир сўзлик қиз ўз аҳдидан қайтмади. Бу қатъият, зўр иштиёқ уни спорт мактаби томон етаклади. Раҳима мураббийларидан кураш сирларини ўрганиш, усулларни пухта ўзлаштиришга ҳаракат қилди. Тинимсиз машқ ўзига бўлган ишончни тобора мустаҳкамлаб борди. Курашчи қиз аввалига воҳа, кейинчалик республика беллашувларида мана-ман деган рақиблардан узиб кетди. Шу йилнинг апрел ойида мамлакат чемпионлигини қўлга киритиб, Ҳиндистонда бўлиб ўтадиган эркин курашчилар баҳсида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Шунингдек, у айни кунларда шу йилнинг октябр ойида бошланадиган Осиё ўйинларида иштирок этишни ҳам мўлжаллаб турибди.

— Бугунги кунда спорт мактабида биз, беш нафар қиз эркин кураш билан шуғулланиб келяпмиз, — дейди Раҳима Юнусова. — Маҳоратимизни ошириш, турли мусобақаларда иштирок этиш учун барча имконият мавжуд. Устозларимиз курашнинг нозик сирларини ўргатишдан толмаяптилар.

Спорт мактабида бугун 500 нафардан ортиқ ёшлар спорт билан шуғулланишаяпти. Амир Ўроқов, Марат Кабламетов, Наримон Аблазимов, Алексей Сорокин каби малакали мураббийлар эркин, юнон-рум ва миллий кураш, дзюдо, самбо, оғир атлетика, шарқ якка кураши турлари бўйича иқтидорли шогирдлар тарбиялашмоқда.

— Касаба уюшмалари вилоят кенгаши спорт оммавийлигини таъминлашга катта эътибор қаратаяпти. Энг муҳими, моддий таъминотимиз ҳавас қилгудек даражада, — дейди мактаб раҳбари Ғулом Тўқсонбоев. — Полвон қиз Раҳима Юнусова эса энг умидли шогирдларимиздан бири. Унинг ўзбек қизлари номини дунёга танитишига шубҳа йўқ.

**Н.ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Шоҳмот*

# ТУРГАН-БИТГАНИ МЎЪЖИЗА

Ҳозирда ишлаб чиқаришда жуда кўп ишлатидиган целлюлоид (целлюлозадан тайёрланган ва фотоплёнка, кино лентапарни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган модда)ни кўпчилик яхши билади. Лекин унинг ким томонидан ва қачон кашф этилгани, кашфиётга нима сабаб бўлгани тўғрисида унчалик ҳам маълумотга эга эмасмиз.

Целлюлоид 1868 йили шоҳмот ишлаб чиқарувчи фабрика хўжайини, америкалик тадбиркор Ш.Хайет томонидан доналарни ясашда қўлланиладиган арзон ва пишиқ материал сифатида кашф қилинган эди. Эҳтимол, шоҳмот бўлмаганида целлюлоид ҳам ҳалигача кашф қилинмаган бўлармиди?

* * *

Бенедетто Рокконинг 1817 йили Римда нашр этилган «Шоҳмот ўйини тўғрисида рисола» номли машҳур асари бор. Ушбу китобда баён этилишича, ўрта асрларда Германия, Франция ва Италиядаги корхона цехларида дурадгорларга имтиҳон пайтида махсус топшириқ берилган. Улар шоҳмот тахтасини ясаб беришлари албатта шарт бўлган.

**Анвар ИНОҚОВ,**
**шоҳмот бўйича спорт усталигига номзод.**



**Биринчи кўринишда оқлар бошлаб, ғалаба қозонади. Иккинчи диаграммада эса оқлар бошлаган ҳолда дурангга эришади.**

*Газетхон илтимосига биноан*

# XI МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТ ЎЙИНЛАРИ ТАҚВИМИ

## (Олий лига. Иккинчи давра)

**17-ТУР**
**10 август (шанба)**
«Навбаҳор» - «Трактор»
«Андижон» - «Самарқанд-Д»
«Металлург» - «Бухоро»
«Қизилқум» - «Сўғдиёна»
«Нефтчи» - «Зарафшон»
«Сурхон» - «Қўқон-1912»
«Дўстлик» - «Насаф»
«Машъал» - «Пахтакор»
**18-ТУР**
**17 август (шанба)**
«Трактор» - «Андижон»
«Самарқанд-Д» - «Металлург»
«Бухоро» - «Қизилқум»
«Сўғдиёна» - «Нефтчи»
«Зарафшон» - «Сурхон»
«Қўқон-1912» - «Дўстлик»
«Машъал» - «Навбаҳор»
**18- август (якшанба)**
«Пахтакор» - «Насаф»
**19-ТУР**
**24 август (шанба)**
«Металлург» - «Трактор»
«Қизилқум» - «Самарқанд-Д»
«Нефтчи» - «Бухоро»
«Сурхон» - «Сўғдиёна»
«Дўстлик» - «Зарафшон»
«Насаф» - «Қўқон-1912»
«Андижон» - «Машъал»
«Навбаҳор» - «Пахтакор»
**20-ТУР**
**29 август (пайшанба)**
«Трактор» - «Қизилқум»
«Бухоро» - «Сурхон»
«Сўғдиёна» - «Дўстлик»
«Зарафшон» - «Насаф»
«Машъал» - «Металлург»
«Навбаҳор» - «Андижон»
«Самарқанд-Д» - «Нефтчи»
**30 август (жума)**
«Пахтакор» - «Қўқон-1912»
**21-ТУР**
**3 сентябр (сешанба)**
«Нефтчи» - «Трактор»
«Сурхон» - «Самарқанд-Д»
«Дўстлик» - «Бухоро»
«Насаф» - «Сўғдиёна»
«Қўқон-1912» - «Зарафшон»
«Қизилқум» - «Машъал»
«Металлург» - «Навбаҳор»
«Андижон» - «Пахтакор»
**22-ТУР**
**14 сентябр (шанба)**
«Трактор» - «Сурхон»
«Самарқанд-Д» - «Дўстлик»
«Бухоро» - «Насаф»
«Сўғдиёна» - «Қўқон-1912»
«Машъал» - «Нефтчи»
«Навбаҳор» - «Қизилқум»
«Андижон» - «Металлург»
**15 сентябр (якшанба)**
«Пахтакор» - «Зарафшон»
**23-ТУР**
**21 сентябр (шанба)**
«Насаф» - «Самарқанд-Д»
«Қўқон-1912» - «Бухоро»
«Зарафшон» - «Сўғдиёна»
«Сурхон» - «Машъал»
«Нефтчи» - «Навбаҳор»
«Қизилқум» - «Андижон»
«Металлург» - «Пахтакор»
**22 сентябр (якшанба)**
«Дўстлик» - «Трактор»
**24-ТУР**
**19 октябр (шанба)**
«Трактор» - «Насаф»
«Самарқанд-Д» - «Қўқон-1912»
«Бухоро» - «Зарафшон»
«Машъал» - «Дўстлик»
«Навбаҳор» - «Сурхон»
«Андижон» - «Нефтчи»
«Металлург» - «Қизилқум»
**20 октябр (якшанба)**
«Пахтакор» - «Сўғдиёна»
**25-ТУР**
**26 октябр (шанба)**
«Қўқон-1912» - «Трактор»
«Зарафшон» - «Самарқанд-Д»
«Сўғдиёна» - «Бухоро»
«Насаф» - «Машъал»
«Дўстлик» - «Навбаҳор»
«Сурхон» - «Андижон»
«Нефтчи» - «Металлург»
«Қизилқум» - «Пахтакор»
**26-ТУР**
**2 ноябр (шанба)**
«Трактор» - «Зарафшон»
«Самарқанд-Д» - «Сўғдиёна»
«Машъал» - «Қўқон-1912»
«Навбаҳор» - «Насаф»
«Андижон» - «Дўстлик»
«Металлург» - «Сурхон»
«Қизилқум» - «Нефтчи»
**3 ноябр (якшанба)**
«Пахтакор» - «Бухоро»
**27-ТУР**
**9 ноябр (шанба)**
«Сўғдиёна» - «Трактор»
«Бухоро» - «Самарқанд-Д»
«Зарафшон» - «Машъал»
«Қўқон-1912» - «Навбаҳор»
«Насаф» - «Андижон»
«Дўстлик» - «Металлург»
«Сурхон» - «Қизилқум»
«Нефтчи» - «Пахтакор»
**28-ТУР**
**16 ноябр (шанба)**
«Трактор» - «Бухоро»
«Машъал» - «Сўғдиёна»
«Навбаҳор» - «Зарафшон»
«Андижон» - «Қўқон-1912»
«Металлург» - «Насаф»
«Қизилқум» - «Дўстлик»
«Нефтчи» - «Сурхон»
**17 ноябр (якшанба)**
«Пахтакор» - «Самарқанд-Д»



**29-ТУР**
**23 ноябр (шанба)**
«Самарқанд-Д» - «Трактор»
«Бухоро» - «Машъал»
«Сўғдиёна» - «Навбаҳор»
«Зарафшон» - «Андижон»
«Қўқон-1912» - «Металлург»
«Насаф» - «Қизилқум»
«Дўстлик» - «Нефтчи»
«Сурхон» - «Пахтакор»
**30 ТУР**
**30 ноябр (шанба)**
«Пахтакор» - «Трактор»
«Машъал» - «Самарқанд-Д»
«Навбаҳор» - «Бухоро»
«Андижон» - «Сўғдиёна»
«Металлург» - «Зарафшон»
«Қўқон-1912» - «Қизилқум»
«Нефтчи» - «Насаф»
«Сурхон» - «Дўстлик»

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net
ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширди - 22.00
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.
Буюртма Г— 719.
1 2 3 4 5 6